

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО МИГРЦИЯ

Худайбергенов Абиджон - тадқиқотчи
Урганч Давлат университети

Инсониятнинг бутун тараққиёти давомида миграцион жараёнлар жаҳоннинг демографик манзараси шаклланишида муҳим аҳамият касб этиб келган. Иқтисодий ва сиёсий глобаллашув шароитида халқаро миграция жараёнларининг нафақат хусусиятлари, балки уларни белгиловчи омиллар ҳам бир мунча ўзгарди.

Миграция (лот. *migratio* — кўчаман, жойимни ўзгартираман) - аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчишини англатади¹. Бугунги кунда халқаро миграция ўзининг кўлами, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий оқибатлари нуктаи назаридан турли минтақалар ва мамлакатлар учун катта аҳамиятга эга бўлган ҳодиса ҳисобланиб, бунда замонавий миграция жараёнларининг асосий йўналишлари кам тараққий этган мамлакатлар аҳолисининг иқтисодий ривожланган давлатлар ҳудудига кўчишидан иборат бўлмоқда. БМТ маълумотларига кўра, 2000 йилда жаҳон бўйича 174,8 млн. расмий мигрантлар рўйхатга олинган².

Таъкидлаш жоизки, миграция жараёнларнинг кўлами доимий ўсиш тенденциясига эга бўлиб, унга тобора кўпроқ кишилар жалб этилмоқда. Хусусан, 2000 йилнинг ўзида мигрантлар сони ўтган йил билан солиштирилганда 20,8 млн. кишига, ёки тахминан 13,5% га ошган³.

Миграция жаҳон сиёсий ва иқтисодий глобаллашувининг ўзига хос намоён бўлиши ҳисобланиб, асосан объектив сабаблар билан белгиланиши таъкидланмоқда. Бундай қарашларга қўшилиш мумкин, сабаби сўнги йилларда жаҳон иқтисодиётида иккита бир-бирига тескари қутблар – ривожланган Шимол ва қашшоқ Жануб ўзларининг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки демографик тафовутлари билан ҳам тобора кўпроқ намоён

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти Б. 640

² International Migration Report 2002. New York: United Nations Population Division, Department of Economic and Social Affairs, 2002. P. 1.

³ Сергей Рязанцев Миграционные тренды и международная безопасность. Международные процессы. Том 9. №2 (26). Май-август 2011.

бўлмоқда. Айнан, демографик кўрсаткичлар анъанавий равишда халқаро миграциянинг кенгайишига сабаб бўлиб келган.

Аҳоли сони рўйхатида ривожланаётган мамлакатлар юқори ўринларни мустаҳкам эгаллаб келмоқда. 2001 йил якунларига кўра аҳоли сони кўплиги бўйича 15 та етакчи мамлакатнинг 12 таси ривожланаётган мамлакатлар, фақатгина 3 таси иқтисодий ривожланган (АҚШ, Япония, Германия) мамлакатлар бўлган. Шунингдек, аҳоли сони ўсиши суръатлари бўйича ҳам улкан тафовут кўзга ташланади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳолининг табиий ўсиши ўта паст даражада ёки умуман камайиш тенденциясига эга. Масалан, Германияда бу кўрсаткич салбий кўринишга эга (-0,1%), Италияда табиий ўсиш нолга тенг, Буюк Британияда (0,1%), Японияда (0,2%), Канадада (0,3%), Францияда (0,4%), АҚШда (0,5%) ни ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси эса юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда: Фаластинда 3,7%, Яманда 3,3%, Конгода 3,1%, Буркина-Фасо 3,0%, Эфиопия 2,9%. Шунингдек, туғилиш кўрсаткичларидаги фарқлар ҳам жуда катта кўринишга эга. Масалан, Нигерияда ўртача бир аёлга 7,5 бола, Яманда – 7,2, Конгода – 6,3, Афғонистонда – 6,0, Фаластинда – 5,9, айни пайтда Европа Иттифоқида бу кўрсаткич 1,3, АҚШда эса 2,13 ни ташкил этади¹.

Булардан ташқари, ривожланаётган мамлакатларга хос бўлган ишсизликнинг юқори даражалари, очлик, ноқулай санитария-эпидемиологик вазият, сурункали қашшоқлик, этник тўқнашувлар ва локал урушлар каби мураккаб муаммолар аҳоли кўчишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, Африка қитъасида юзага келаётган вазият ниҳоятда аянчлидир. Жумладан, Ботсванада яшовчи 15-49 ёшдаги аҳолининг ҳар учтадан биттаси, Свазиленд ва Зимбабве аҳолисининг ҳар тўрттадан биттаси ОИТС билан касалланган. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг 32% камбағаллик даражасидан

¹ <http://www.intertrends.ru/index.htm>. Сергей Рязанцев. Миграционные тренды и международная безопасность

хам паст шароитларда, 30% эса тоза ичимлик сувига мухтож бўлиб кун кечирмоқда¹.

Бирок, миграция жараёнларининг жадаллашувини фақатгина ижтимоий-иқтисодий ва демографик тенгсизлик каби объектив сабаблар билангина тушунтириб бўлмайди. Фикримизча, миграция жараёнлари фаоллашувига баъзи жамиятларга хос бўлган субъектив омиллар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Биринчи навбатда бу қашшоқ мамлакатлар кенг аҳоли қатламлари томонидан Ғарб мамлакатлари аҳолисига нисбатан қашшоқ аҳолини англаб етилиши бўлди. Профессор Н.М.Римашевская таъкидлаганидек, “камбағални камбағал қиладиган фақатгина даромадлари даражаси эмас, балки бошқа бировда бор нарсани унда йўқлигини англаб етиши ҳамдир”. Глобаллашув туфайли илгари маълум бир тор чегаралар доирасида ҳаёт кечиришга кўникиб қолган жамиятларнинг анъанавий ҳаёт тарзи бузилди. Ривожланган мамлакатлар аҳолисининг фаровон ҳаёти тўғрисидаги ахборотлар оқимининг кўпайиши “камбағал” мамлакатлар аҳолисининг шунга ўхшаш истеъмол даражаларига бўлган интилишини кучайтирди ва иқтисодий ривожланган мамлакатларга кўчиш жараёнларини жадаллаштирди.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиёти ва сиёятининг глобаллашуви шароитида миграция жараёнларига таъсир этувчи асосий иккита гуруҳ омиллари шаклланди. Биринчи гуруҳ – ижтимоий-иқтисодий ва демографик табиатга эга объектив омиллар: ишсизлик, қашшоқлик, аҳолининг ғоят зичлиги. Иккинчи гуруҳ – субъектив омиллар: истиқомат қилаётган мамлакатида ривожланиш истиқболларининг йўқлиги, шароитларидаги чорасизлик, ўз даромадлари ва турмуш даражаларини тиклаб олишга интилиш.

Миграция жараёнларининг жадаллашувидан кўпинча ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳам манфаатдор бўлади. Чунки, миграция воситасида бир томондан кескин ижтимоий-иқтисодий ва демографик

¹ Писаренко Д. Три миллиардера в состоянии прокормить весь мир: Интервью с профессором Н.М. Римашевской // Аргументы и факты. 2001. № 41. С. 6.

муаммолар бир мунча юмшатилса, иккинчи томондан мигрантлар томонидан ўз оилаларига юборадиган пул жўнатмалари миллий иқтисодийни ривожлантиришга қўшимча омил бўлади. Жумладан, сўнги йилларда Филиппин, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Барбадос, Бангладеш, Ямайка, Куба, Мексика, Сальвадор, Никарагуа каби мамлакатлар ҳукуматлари халқаро миграцияни фаоллаштиришга интиланган. БМТ маълумотларига қараганда, 1995 йилдан 2005 йилгача бўлган давр оралиғида ривожланаётган мамлакатларга жўнатилаётган пул ўтказмалари 58 дан 167 млрд. долларгача ошган¹.

Баъзи, мамлакатлар ҳукуматлари учун эса миграция геосиёсий мақсадларни амалга ошириш, янги ресурслар ва бозорларга эгаллик қилиш воситаси ҳам бўлиши мумкин. Хитой давлати томонидан амалга оширилаётган сиёсат бунга яққол мисолдир. Бу ерда ташқи сиёсат юритишнинг ажралмас қисмига айланган ягона миллат концепцияси (“чжунхуа миңцзу”) амал қилади. Унга биноан хитойликлар тарихи билан боғлиқ барча ҳудудлар ушбу мамлакатнинг миллий манфаатлари доирасига киради. Хозирда хитойликлар диаспораси – “хуацяо” Европада 550 минг, АҚШ ва Канадада 3,1 млн., Россияда 500-800 минг, Жануби-Шарқий Осиё, Австралия ва Океанияда бир неча миллион кишини ташкил этади². Сингапурда хитойликлар аҳолининг 80% ни, Малайзияда сон жиҳатдан иккинчи ўриндаги этнос (5,1 млн. киши), Таиландда тахминан аҳолининг 10,4% ни, Индонезияда – 2,6% ни ташкил этади³.

Хитойликлар бошқа мамлакатлар ҳудудида кўпинча бир жойда яшаб ўзларининг кварталларини (“чайна-таун”) шакллантирадидилар, бизнесини яратадидилар, этник бирлигини сақлаб қолишга интиладидилар. Бора-бора бундай

¹ Вишневский А. Многополярность и демография. //Россия в глобальной политике. Т.6. №1. январь-февраль 2008. С. 24.

² Население России 2000. Восьмой ежегодный демографический доклад / Под ред. Вишневского А.Г. М.: Книжный дом «Университет», 2001. С. 128.

³ Народы и религии мира: Энциклопедия / Под ред. В.А.Тишкова. М: Большая Российская энциклопедия, 1998. С. 243.

диаспоралар Сингапур, Индонезия, Таиланд, Филиппин давлатлари иқтисодиётида етакчиликни қўлга олишга эришдилар¹.

Миграция жараёнларининг кучайишидан расмий ҳукумат доиралари билан бир қаторда уюшган жиноий гуруҳлар, радикал ташкилотлар, диний секталар каби норасмий ташкилотлар ҳам манфаатдор бўлмоқда. Англиялик тадқиқотчи Дж.Солтнинг фикрича, глобаллашув шароитида халқаро миграция яхши уюшган, сертармоқ халқаро бизнесга айланиб улгурди. Мазкур бизнес улкан бюджетга эга бўлиб, юз минглаб иш ўринлари ва одамларни ҳамда кўплаб ташкилот ва муассасалардан иборат тармоқни назорат қилади².

БМТ маълумотларига кўра, одам савдоси орқали уюшган жиноий гуруҳлар йилига 3,5 млрд. доллар даромад кўрмоқда³. Англиядаги “Иқтисодчи” журналида келтирилган таҳлилларга қараганда эса хуфёна тузилмаларнинг ноқонуний мигрантларни ўтказишдан кўрадиган даромади йилига ҳатто 5-7 млрд. долларни ташкил этар экан⁴.

Одамларни ноқонуний чегарадан ўтказиш одатда фоҳишабозлик, ёш болаларни ва инсон органларини сотиш каби муаммолар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Одам савдосидан жабр кўрганларнинг 80 фоизи хотин-қизлар ва болалардан иборат. Ҳар йили жаҳон бўйича салкам 1 миллион нафар аёл ва бола алдов йўли билан сотиб юбориляпти⁵. Масалан, ҳозирда Шимолий Америка, Европа ва Осиёнинг шахвоний хизмат бозорларида асосан ривожланаётган мамлакатлардан келган аёллар хизмат қилади. Баъзи маълумотларга кўра, Германияда фоҳишаларнинг 75%, Буюк Британияда 50%, Италияда 90%, Францияда 60% мамлакатга четдан кириб келган иммигрантлар ҳисобидан келиб чиққан⁶.

¹ Золотых А. Азиатский тигр на дальневосточной тропе // Миграция в России. Октябрь-ноябрь 1999. С. 37.

² Римашевская Н.М., Галецкий В.Ф, Овсянников А.А. и др. // Население и глобализация. М.: Наука, 2002. С. 294.

³ Organized Crime Moves into Migrant Trafficking // Trafficking in Migrants: Migration Information Program. International Organization of Migration. June 1996. № 11. P. 1-2.

⁴ Стучась в дверь европейского дома // Беженцы. 1998. Том 2. № 113. С. 18.

⁵ Д.Зарипова. Инсон қадри // Ўзбекистон овози. 2011 йил, 8-ноябрь.

⁶ Кокшаров А. Европа на игле миграции // Эксперт. 2002. 7 октября. С. 59.

Масаланинг яна бир жиҳати шундан иборатки, мигрантларни қабул қилаётган давлатлар аҳолиси томонидан уларга нисбатан хавотир кайфиятлари кучаймоқда. Бунга мигрантлар ҳисобига иш ўринларининг қисқариши, жинойтчиликнинг ошиши, маданий, этник, диний ва сиёсий характердаги бир қатор тафовутлар сабаб бўлмоқда. Натижада, қабул қилаётган давлатларда бир қатор можаролар келиб чиқиши кузатилмоқда. Жумладан, иммигрантларга қарши чиқишлар Швеция, Франция, Италия, Испания, Бельгия, Нидерландия, Швейцария ва Шарқий Европанинг бир қатор давлатларида кузатилган¹. Мусулмон ва христиан жамоалари ўртасидаги тўқнашувлар Австралияда ҳам бўлиб ўтди². Бу ҳолат табиий равишда давлатлараро муносабатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Миграция билан боғлиқ муаммоларни оддий тақиқлаш механизмини кўллаш орқали ҳал қилиб бўлмайди. Чунки бундай сиёсат охир-оқибатда янада мураккаброқ ва хавфлироқ муаммоларни (этник тўқнашувлар, уюшган жинойтчилик ва терроризмнинг ривожланиши ва ҳоказо) келтириб чиқариши мумкин. Бунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий жарликни имкон қадар камайтириш, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти, таълим тизими, янги тиббиёт ва ахборот технологиялари соҳасига инвестициялар киритиш, уюшган жинойтчилик, одам савдоси ва бошқа ноқонуний тузилмаларга қарши курашда барча давлатларнинг ҳаракатларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Шундай қилиб, сиёсий глобаллашув миллий чегараларнинг ювилиши, ички ва ташқи сиёсат ўртасидаги фарқларнинг камайиши, халқаро муносабатларда янги иштирокчиларнинг пайдо бўлиши, ягона ижтимоий-сиёсий маконнинг шаклланиши билан бир вақтда халқаро миграция жараёнларига ҳам жиддий таъсирини ўтказмоқда. Унинг салбий оқибатларини юмшатиш ва давлатлараро муносабатлар тизимини янгича

¹ Рязанцев С.В. Влияние миграции на социально-экономическое развитие Европы: современные тенденции. – Ставрополь: Книжное издательство, 2001. – С.238-241.

² Михайлов В. Межконфессиональные столкновения //Иностранец. 07.10.2001.

шароитларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.